



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 16 » noyabr

№ 685

Toshkent sh.

Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиши чора-тадбирлари тўғрисида

Мақом санъатида ёш ижрочилар ўз маҳорати, истеъоди
ва қобилиятини намоён этишларини таъминлаш учун шарт-шароитлар
яратиш, янги истеъодларни кашф этиш, иқтидорли ёшларни
рағбатлантириш, ўзига хос ижод мактабларини яратган мақом санъати
устозлари тажрибасини оммалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
қарор қиласди:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият
вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбек миллий мақом санъати
марказининг 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба
май ойида Бухоро шаҳрида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом”
республика фестивалини (кейинги ўринларда – Фестиваль) ташкил этиш
ва ўтказиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалига
тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиши бўйича ташкилий қўмита (кейинги
ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ёш ижрочиларнинг
“Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиши
тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Фестивални ҳар икки йилда бир маротаба май ойида Бухоро шаҳрида
Бухоро вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги
ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан ташкил этиш
ва ўтказиши тартиби;

Фестивални ўтказиши тартиби ва шартларини белгилаш,
шу жумладан, унда 30 ёшгача бўлган якка ижрочилар ҳамда ижодий
жамоалар (хонанда ва созандалар сони 15 нафардан ошмаган ҳолда)
томонидан Фестивал дастурининг 2 та шартини (чолғу ва ашула
йўналишлари) бажариш талаблари;

Фестиваль иштирокчиларини 9-11 нафар етакчи мутахассислардан
иборат таркибда тузиладиган Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир аъзоси томонидан
алоҳида тарзда 10 баллик тизим бўйича баҳолаш ва ғолибларни аниqlаш
мезонлари;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказишни молиялаштириш тартиби ҳамда молиялаштириш манбаларини белгилаш.

4. Ташкилий қўмита:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2022 йилда Фестивални ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини шакллантириш ҳамда тасдиқлаш;

Фестиваль совриндорларига топшириладиган диплом, сертификат, статуэтка намуналарини тасдиқлаш;

Фестивални замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда юқори бадиий савияда ўтказиш ишларини амалга оширсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги:

бир ой муддатда Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлаб, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминласин;

Бухоро шаҳрида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширсин, Фестиваль ўтказиладиган жойларни талаб даражасида тайёрласин;

Фестиваль иштирокчилари учун маданий дастурлар ҳамда Бухоро шаҳрининг дикқатга сазовор жойларига саёҳатларни ташкил этсин;

Фестиваль ўтказиладиган йилнинг 1 февралига қадар тажрибали режиссёр, таниқли санъаткор, продюсер, композитор, шоир ва соҳанинг бошқа малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийси ҳамда бадиий дастурларини тайёрласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан тенг улушларда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фестивални кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов ва Бухоро вилояти ҳокими Б.К. Зарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 ноябрдаги 685 -сон қарорига
1-илова

**Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

1. Б. Зарипов – Бухоро вилояти ҳокими, *Ташкилий қўмита раиси*
2. Б. Ахмедов – маданият вазирининг биринчи ўринбосари,
Ташкилий қўмита раиси ўринбосари
3. А. Саъдуллаев – Ёшлар ишлари агентлиги директори
4. А. Нуриддинов – Ўзбекистон Бадиий академияси раиси
5. К. Каримов – олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи
ўринбосари
6. У. Шарифходжаев – халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари
7. А. Иноятов – соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
8. Ш. Собиров – ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
9. С. Бегматов – Республика мақом санъати маркази раҳбари
10. А. Хаджаев – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
11. М. Хамраев – Бухоро вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати,
ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари
12. Б. Адилов – Бухоро вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси
бошлиғи
13. Лавозимига қўра – Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи,
Ташкилий қўмита котиби

Изоҳ. *Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу
лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили вазифаларни бажарии юкланган
шаҳслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил **‘16’** ноябрдаги **685** -сон қарорига
2-илова

**Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини
ташкил этиш ва ўтказиш тартиби түғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивали (кейинги ўринларда – Фестиваль)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Фестиваль 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба май ойида Бухоро шахрида ўтказилади.

Бунда унинг аниқ муддати Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) томонидан Фестиваль бошланишидан 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. Фестиваль Бухоро вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази (кейинги ўринларда – ташкилотчилар) томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

4. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш Ташкилий қўмита томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Фестивалнинг асосий вазифалари

5. Фестивалнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

ўзбек мусиқа ижрочилиги маданиятини янада юксак даражага кўтариш, миллий мақом санъатини дунё сахналарига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, рағбатлантириш ва уларнинг ижодини тарғиб этиш;

ёш мақом ижрочиларининг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён этиш, уларнинг ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш;

ёшлар орасида мақом санъатига бўлган қизиқиши ошириш;

“Шашмақом” санъатининг тарихий анъаларини асраш ва тарғиб этиш, кенг оммалаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш;

ўзбек миллий мақом санъатининг нуфузини янада ошириш ҳамда дунё сахналарига олиб чиқиш ва тарғиб этиш;

ёшларнинг ўзбек миллий мақом санъатига қизиқишини ошириш, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарни янги босқичга кўтариш, унинг

“Олтин фонди”ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш;

қадим Бухоронинг туризм йўналишидаги салоҳиятини намойиш этиш, хизматлар қўламини кенгайтириш, сайёҳлар оқимини ошириш;

ўзбек халқининг маданиятини, хусусан, бетакрор мақом санъатини, шу жумладан, Фестиваль доирасида ҳунармандчилик кўргазмалари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадриятлар ва анъаналарни кенг тарғиб этиш;

“Шашмақом” санъати билан халқимизнинг бой тафаккури ва эзгу интилишлари натижасида бунёд этилган ва этилаётган маънавий меросимизни асраб-авайлаш;

ўзига хос мактабларини яратган мақом санъати устозлари тажрибасини оммалаштириш, “Устоз-шогирд” анъаналарини қўллаб-куватлаш ва кенг ёйиш;

“Шашмақом” асарлари орқали миллатлараро дўстлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини илгари суриш ва тараннум этиш.

3-боб. Фестивални ўтказиш тартиби ва шартлари

6. Фестиваль ижро дастури асосида мазкур Низомга иловадаги схемага мувофиқ ўтказилади.

7. Ташкилотчилар томонидан Фестивалнинг ижро дастури ва танловда ижро этиладиган асарлар рўйхати (кейинги ўринларда – дастур ва асарлар рўйхати) тасдиқланади ҳамда Фестивални ўтказишнинг аниқ муддати билан бирга Фестиваль бошланишидан уч ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги дастур ва асарлар рўйхатини улар тасдиқлангандан кейин беш кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасига етказади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси дастур ва асарлар рўйхатини улар олингандан кейин уч кун муддатда ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлар, маданият ва санъат йўналишидаги академик лицейлар, олий таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, бадиий ва ижодий жамоаларга етказади.

10. Ҳар бир иштирокчи Фестиваль ўтказилишидан 30 кун олдин Ташкилий қўмитага қўйидагиларни тақдим этади:

иштирокчининг маълумотномаси;

ижро дастури ва матни;

аудио ва видео диск.

11. Фестивалда:

30 ёшгача бўлган якка ижрочилар ҳамда ижодий жамоалар (хонанда ва созандалар сони 15 нафардан ошмаган ҳолда) чиқишилари намойиш этилади;

ижро асарлари чиройли ва мазмунли чиқиши учун ракслардан ҳам фойдаланиш (бунда рақслар Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланмайди) мумкин;

барча ижро этиладиган асарлар ёддан ижро этилади;

жамоаларнинг ижролари фақат мақом асарларидан иборат бўлиши (ўзбек халқ қўшиқлари ижросига йўл қўйилмайди) шарт.

12. Фестивалнинг дастури қуидагича белгиланади:

а) биринчи шарт: “Мушкилот” (чолғу йўналиши).

чолғучилар ансамбли тасниф, тарже, гардун, самойи дугоҳ, хафиф, нағмаи ораз, пешрави дугоҳ, мухаммас ва сақиллардан иборат асарларни ижро этиши шарт;

б) иккинчи шарт: “Наср” (ашула йўналиши).

ҳар бир жамоа томонидан мақомнинг биттадан “Наср” (ашула қисми) йўналишларидан сарахборлар ва унинг тароналари, талқин ва тароналари (уззол, ушшоқ, баёт, чоргоҳ ва сегоҳ), насрлар: насруллойи тароналари, насли уззол, насли ушшоқ, наврӯзи сабо ва талқинчаси, орази наво ва таронаси, ҳусайнний наво, насли баёт ва таронаси, орази дугоҳ, наврӯзи хоро тароналари билан, наврӯзи ажам тароналари, мухайяри ироқ, чамбари ироқ, уфари ироқ, муғулчалар, савтлар, мустаҳзоди наво, ироқи Бухоро, сарахбор ва уфари оромижон, роқ ва ҳоказо мақом ашулаларидан иборат асарларни ижро этиш шарт.

13. Фестиваль иштирокчилари “Шашмақом” ижро йўлларидан 2 та асарни ижро этади. Бунда ижро вақти 15 дақиқадан ошмаслиги керак.

14. Фестиваль доирасида “Шашмақомнинг бугуни ёшлар нигоҳида ва келажак истиқболлари” мавзууда илмий-амалий семинар, мақом устозлари иштирокида “маҳорат дарслари” ташкил этилади.

15. Илмий-амалий семинар иштирокчилари маъruzасининг тўла матни 3-4 бетдан ва тезислар 300 сўздан кам бўлмаслиги ҳамда ижро дастури 15 дақиқадан ошмаслиги лозим.

16. Илмий-амалий семинарда иштирок этувчиликнинг рўйхати семинарни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи груп томонидан аниқланиб, анжуман ўтказилишидан 10 кун олдин иштирокчиларга маълум қилинади.

17. Илмий-амалий семинарнинг ишчи тиллари этиб ўзбек, инглиз ва рус тиллари белгиланади.

4-боб. Фестиваль иштирокчиларини баҳолаш ва ғолибларни тақдирлаш

18. Ташкилий қўмита томонидан 9–11 нафар етакчи мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъати таркиби ва Ҳайъат регламенти тасдиқланади.

19. Фестиваль доирасидаги танлов бир босқичдан иборат бўлади.

20. Танлов иштирокчиларининг ижро маҳорати Ҳакамлар ҳайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан алоҳида тарзда 10 баллик тизим бўйича баҳоланади ва ғолиблар аниқланади.

21. Иштирокчиларни баҳолашда Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўйидаги мезонлар инобатга олинади:

- асар жанри;
- ижро маҳорати;
- саҳна маданияти;
- саҳна либоси;
- асарнинг бадиий савияси.

22. Иштирокчиларни баҳолашда Ҳакамлар ҳайъати мустақил хисобланади.

23. Танловнинг якуний натижалари Ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан расмийлаштирилади.

24. Фестиваль ғолиблари Ташкилий қўмитанинг 1, 2 ва 3-даражали дипломлари, қимматбаҳо совғалар, шунингдек, ҳомийлар ва тегишли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

25. Фестиваль ғолиблари республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда ҳамда халқаро фестивалларда, оммавий ахборот воситаларида ўз дастурлари билан қатнашишлари учун тавсия этилади.

5-боб. Фестивални ташкил этиш ва ўтказишни молиялаштириш

26. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг Бухоро вилоятига келиб-кетиши, меҳмонхона ва овқатланиши билан боғлиқ харажатлар Фестиваль сметаси доирасида қопланади.

27. Фестиваль иштирокчиларининг уни ўтказиш белгиланган ҳудудга келиб-кетиши, меҳмонхона ва овқатланиши билан боғлиқ харажатлар уларни Фестивалда иштирок этишга юборган ташкилот томонидан ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан қопланади.

28. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий кўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан тенг улушларда ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

6-боб. Ташкилотчиларнинг ҳуқуқлари

29. Ташкилотчилар:

Фестиваль қатнашчиларининг ижроларини эфирга узатиш;

Фестивални ўтказиш давомида ва унинг якуни бўйича тайёрланган барча турдаги аудио, видео, босма ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш;

Фестивалга жаҳондаги етакчи продюсер ва менежерларни таклиф этиш ҳуқуқига эгадир.



Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом”
республика фестивалини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ташкилий қўмита Ташкилотчилар	Танлов ўтказиладиган аниқ муддатни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди Фестивалнинг ижро дастури ва унда ижро этиладиган асарлар рўйхатини (кейинги ўринларда – рўйхат) тасдиқлайди	Фестиваль бошланишидан уч ой олдин
2-босқич	Маданият вазирлиги	Рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасига етказади	Фестивалнинг ижро дастури ва танловда ижро этиладиган асарлар рўйхати тасдиқлангандан сўнг беш кун муддатда
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси	Рўйхатни ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлар, маданият ва санъат йўналишидаги академик лицейлар, олий таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, бадиий ва ижодий жамоаларга етказади	Фестивалнинг ижро дастури ва танловда ижро этиладиган асарлар рўйхати олингандан кейин уч кун муддатда
4-босқич	Фестиваль иштирокчилари	Фестивалда қатнашиш учун зарур ҳужжатларни Ташкилий қўмитага тақдим қиласди	Фестиваль бошланишидан 30 кун олдин
5-босқич	Ташкилотчилар, Ташкилий қўмита	Фестивални ўтказади	Фестиваль ўтказиладиган йилнинг май ойида
6-босқич	Ташкилотчилар, Ташкилий қўмита	Фестиваль ғолибларини тақдирлайди	Фестиваль якуни бўйича